

ХАЙДОВДАН КЕЙИНГИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ АГРОТЕХНИКАСИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

Исашов Анваржон

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар

институти профессори

Махмудов Достонбек

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар

институти магистранти

Қамбаров Шукуржон

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар

институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Уибӯ мақолада тоз олди ҳудудларида механик оғир тупроқларнинг сув ўтказувчаник қобилиятини ошириши мақсадида ерларга чуқур юмшатгичлар билан ишлов берилиши олдин далалар кўп йиллик илдизпояли бегона ўтлардан машина ва механизмлар ёрдамида тозалангандага тупроқ олдин ағдаргичлари олиб ташланган плуглар билан 18-20 см чуқурликка юмшатилади, сўнг чизел, культиватор ва бороналар ёрдамида уларнинг илдизлари йигиб олиниб, дала ташқарисига чиқариб ташланади.

Калит сўзлар: томчилаб сугориши, чуқур юмшатиши, механик оғир тупроқ, генетик қатламлар.

EFFECT OF APPLICATION OF DROPP IRRIGATION METHOD ON DEEP POSSIBILITY AGROTECHNICS ON SOIL VOLUME MASS

Isashov Anvarjon

Professor of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

Makhmudov Dostonbek

Master of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

Kambarov Shukurjon

Master of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

ABSTRACT

In this article, in order to increase the water permeability of mechanically heavy soils in the foothills, the fields are loosened to a depth of 18-20 cm with plows removed by pre-dumpers when the fields are cleared of perennial root weeds by

machines and mechanisms before deep tillage, then chisel, cultivator and with the help of storms their roots are collected and thrown out of the field.

Keywords: *drip irrigation, deep loosening, mechanically heavy soil, genetic layers.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида суғориб дехқончилик қилинадиган 4 млн 200 минг гектар майдонни суғориш учун бир йилда 46 млрд куб метр сув сарфланади. Бироқ ушбу сувнинг 60% дан ўсимликлар фойдаланади холос ва қолган қисми турли тарзда исроф бўлиб кетади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришнинг замонавий сув тежамкор усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кам сув сарфлаб, юқори ва сифатли ҳосил этиштириш технологияларини амалиётга тадбиқ қилиш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Республикаизда аҳоли сонининг ўсиши, энг зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам кўпайиб бориши натижасида сув ресурсларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда.

Шу боисдан сув ресурслари тақчил ҳозирги шароитда сувни тежаб сарфлаш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва сувнинг ерга шимилиб, оқовага чиқиб исроф бўлишини камайтириш, суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга муҳим эътибор қаратиш зарур. Бу ҳолат эса экинларни суғоришнинг ноанъянавий томчилатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Андижон вилоятининг оч-тусли бўз тупроқлари, томчилатиб суғориш, лазер ер текистлаш мосламаси, хайдовдан кейин 80 см чуқурликда юмшатиш, ғўзанинг “Андижон-36” нави олинган

Тажриба бошланишида тупроқнинг қатламлари бўйича морфологик тузилиши, механик таркиби, ҳажм оғирлиги, ҳамда сув сигимлари аниқланади. Хар кайси суғоришдан олдин бир метр қалинликда тупроқ намлиги намуна олиш билан ВНП-1 Нейтрон нам аниқлаш асбоби ёрдамида аниқланади. Вегитация бошида ва охирида тупроқ сув ўтказувчанлиги аниқланади.


МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тажриба бошланишида генетик қатламлар бўйича тупрок намуналари олинниб, улардаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланади. Ғўзани гуллаш, гуллаш-мева олиш, пишиш фазаларида 0-15 см, 15-30 см қатламларида тупроқ намуналари олинниб, улардаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланади. Ғўзани униб чиқишини хисобга олиш 1 июл,

август, сентябр ойларида ғўзани бўйи, симподиал шохлари, шонаси ва кўсак сонлари хисобга олинади. 3- чи, 6-чи, 9-чи симподиал шохларидан 50 дона чаноқдаги пахта олиниб, ўртacha 1 дона чаноқдаги пахта огирилиги аниқланади. Пахта толаси технологик анализдан ўтказилади. Минг дона чигитни массаси аниқланиб, ундаги ёғ микдори аниқланади.

Тоғ олди ҳудудларида механик оғир тупроқларнинг сув ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида ерларга чуқур юмшатгичлар билан ишлов берилади. Ишлов беришдан олдин далалар кўп йиллик илдизпояли бегона ўтлардан машина ва механизмлар ёрдамида тозаланганда тупроқ олдин ағдаргичлари олиб ташланган плуглар билан 18-20 см чуқурликка юмшатилади, сўнг чизел, қультиватор ва бороналар ёрдамида уларнинг илдизлари йиғиб олиниб, дала ташқарисига чиқариб ташланади.

Ерни сифатли ва кам харажат сарфлаб ҳайдаш ва юмшатиш учун унинг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлиши керак. Бунда тупроқ яхши майдаланади, иш органларига ёпишмайди ва унинг қаршилиги кам бўлади, демак, ёқилғи ва материаллар сарфи камайиб, иш унуми ошишига олиб келади. Ҳудуднинг табиий шароити ва тупроқ механик таркибидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги чуқур юмшатгич танлаб олинди (1- расмлар).



1-расм. ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичнинг умумий кўрининиши

Чуқур юмшатгич ГРХ-2-50 юқори қувватли тракторларга агрегатланиб ишлатилади. Чуқур юмшатгич ни ишчи қамров кенглиги-1.8 м, юмштиш панжасини кенглиги 0,5 м, устунлар рамага тўғри вертикал ҳолатда маҳсус мосламалар билан маҳкамланган ва устун олдида кесувчи пичоқ жойлашган. ГРХ-2-50 чуқурюмштгичи ёпиқ тупроқ шароитида ишловчи текис кесувчи

панжалари мавжуд ишчи органларига эга. Ишчи органлари будай шакли хисобига тортишга қаршилиги ошади. Талаб қилинган чуқурликни юмшатиш учун БТ-150-тракторини тортиш имкониятларини камайтиради, натижада юмшатиш чуқурлигини камайтиришга түғри келади. Бу эса ўз навбатида иш самарадорлигини пасайишига олиб келади. Шуни таъкидлаш керакки, ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичи ҳайдов ости қатламини юмшатиш натижасида сув ва ҳаво ўтказувчанлигини яхшилаб, ўсимликларни илдиз қисмини ривожланишига яхши шароит яратиб беради.

1-жадвал

ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичнинг техник характеристикаси

Кўшиб ишлатиладиган трактор	Case MX 255 MAGNUM
Иш унумдорлиги, га/соат	0,70...0,90
Қамраш кенглиги, м	1,8
Ишчи тезлиги, км/соат	5
Солиширма ёқилғи сарфи, кг /га	24
Талаб этиладиган қувват, кВт (о.к.)	81(110)
Ишлов бериш чуқурлиги, см	50-90
Габарит ўлчамлари, мм	1560x1840x1560
Массаси (конструкцион), кг	800

Тупроқнинг агрофизик хоссаларини мақбул даражада бўлиши унда парваришлишанаётган ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли маҳсулот олишни таъминлайди. Тупроқнинг агрофизик хоссалари далада олиб борилаётган агротехник тадбирлар жараёни билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли унинг кўрсаткичлари амал даври бошидан ва амал даври охирига томон турли миқдорда ўзгариб боради. Тупроқнинг энг муҳим агрофизик хоссаларидан бири унинг ҳажмий массасига боғлиқдир.

Тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар ва суғоришлар натижасида тупроқнинг ҳажм оғирлиги назорат вариантда ошди. Томчилатиб суғоришка қисман камайди.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги ўсимликларнинг ўсишда ривожланиши учун ката аҳамиятга эга бўлган физик хусусиятлардандир. Ўсимлик яхши ўсиб ривожланиши ва юқори ҳосил шакиллантириши учун тупроқнинг ҳажм оғирлиги мақбул ҳолатда сақланиши керак. Табиий ҳолати сақланган ҳолда олинган, маълум ҳажмдаги тупроқ оғирлигига унинг ҳажмий оғирлиги дейилади ва қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан g/cm^3 билан ифодаланади.

Далатажрибаларимизда ғүзани турли суфориш тартибларида тупроқни ҳажм оғирлигига таъсири аниқланди. Бунинг учун экишдан олдин тупроқнинг ҳар 10 см ли қатламида, 100 см чуқурликда далада белгиланган нұқталарда тупроқ намуналари олинди, амал даври охирида эса барча варианларда юқорида белгиланган қатламлар бўйича тупроқни ҳажм оғирлиги аниқланди, (2-жадвал).

Тупроқ ҳажмий оғирлигини аниқлаш учун белгиланган қатламлардан тупроқ намуналари маҳсус, ҳажми маълум бўлган цилиндрда олиб лабараторияга олиб келинди. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги қуруқ тупроққа нисбатан бўлганлиги учун аввал тупроқнинг намлигини аниқлаб олдинди ва тупроқнинг соф оғирлигини силиндр ҳажмига бўлиб, қуйидаги формула орқали ҳажм оғирлигини аниқланди

$$d = \frac{P}{V}$$

Бу ерда: d – тупроқнинг ҳажм оғирлиги, P – цилиндрдаги тупроқнинг соф оғирлиги, г ҳисобида, V – цилиндрнинг ҳажми, cm^3 ҳисобида.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдикি, ўртacha уч йилда (2-жадвал) тажриба даласини амал даври бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см ҳайдов қатламида 1,27 г/см³, 0-50 см ҳайдов ости қатламида 1,28 г/см³, ва пастки 0-100 см қатламларида ўртacha 1,32 г/см³ ни ташкил этди. Ўсув даврининг охирига келиб, назорат вариантда 0-30 см ҳайдов қатламида 1,41 г/см³, 0-100 ҳайдов қатламида 1,40 г/см³ ни ташкил этган бўлса бу кўрсатгич томчилатиб суфорилган 3 вариантда яъни ҳайдовдан олдин чуқур юмшатилганда 0-30 ҳайдов қатламида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,30 г/см³ ва ҳайдов ости қатламида 0-50 см ҳайдов ости қатламида 1,31 г/см³, пастки 0-100 см қатламларда 1,34 г/см³ ни ташкил этиб назорат вариантга нисбатан 0,9-0,10 г/см³ га озайгани аниқланди.

2 –жадвал.

*Томчилатиб суғории технологиясининг тупроқ ҳажм массасига таъсири.
г/см³*

Қатлам, см	Вегетация бошида	Вегетация охирида, вариантлар бўйича		
		1	2	3
2020 йил				
0-30	1,27	1,40	1,35	1,30
0-50	1,28	1,37	1,34	1,31
0-70	1,33	1,36	1,34	1,32
0-100	1,34	1,39	1,35	1,34

2021 йил				
0-30	1,27	1,41	1,34	1,30
0-50	1,28	1,38	1,33	1,31
0-70	1,32	1,37	1,35	1,32
0-100	1,32	1,40	1,36	1,33

ХУЛОСА

Тажриба даласини амал даври бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см ҳайдов қатламида $1,27 \text{ г}/\text{см}^3$, 0-50 см ҳайдов ости қатламида $1,28 \text{ г}/\text{см}^3$, ва пастки 0-100 см қатламларида ўртача $1,32 \text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил этди. Ўсув даврининг охирига келиб, назорат эгатлаб сугорилган варианта тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см ҳайдов қатламида $1.41 \text{ г}/\text{см}^3$, 0-50 см ҳайдов ости қатламида $1.37 \text{ г}/\text{см}^3$, 0-100 қатлаларида $1.40 \text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил этган бўлса бу кўрсатгич томчилатиб сугорилган 5 варианта яъни хайдовдан олдин чукур юмшатилганда 0-30 ҳайдов қатламида тупроқнинг ҳажм оғирлиги $1,32 \text{ г}/\text{см}^3$ ва ҳайдов ости қатламида 0-50 см ҳайдов ости қатламида $1,31 \text{ г}/\text{см}^3$, пастки 0-100 см қатламларда $1,34 \text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил этиб назорат варианта нисбатан $0,09-0,10 \text{ г}/\text{см}^3$ га камайгани аниқланди.

Тажриба даласида томчилатиб сугориш усули тупроқни ҳажм оғирлиги сезиларли даражада таъсир этди. Ўсув даврининг охирига келиб, назорат эгатлаб сугорилган варианта тупроқни ҳажм оғирлиги 30-50-100 см қатламида мавсумий сугориш меъёрларини сугориш сонларини ортганлиги ҳамда далага механизацияни кўп кирганлиги учун амал даври бошида, тупроқнинг ҳажм оғирлигига нисбатан $0,09 \text{ г}/\text{см}^3$ ортганлиги бу кўрсатгич томчилатиб сугорилган 3 варианта яъни хайдовдан олдин чукур юмшатилганда мавсумий сугориш меъёрларини сугориш сонларини камайганлиги ҳамда далага механизацияни бор-йўғи 3 марта кирганлиги сабабли назорат вариантига нисбатан тупроқнинг ҳажм оғирлиги $0,10 \text{ г}/\text{см}^3$ камайгани аниқланди.

Кишлоқ хўжалик экинларини сув таъминоти шароитларига боғлиқ ҳолда турлича муносабат билдиради. Барча экинларни максимал ҳосилдорлигига, қонуниятларга бўйсунган ҳолда, ўсимликни ўсиши ва ривожланишининг барча даврлари давомида узлуксиз сув билан қониқтириш орқали эришилади.

REFERENCES

1. Костяков А.Н. Основы мелиорации.-М.Сельхозгиз, 1960, 622 с.
2. Сурин В.А., Сабитов А.Ю., Зухриддинов С.С. Оросительная система. вторское свидетельство №1658918 А 01 Г 25/06 г. Москва 1991

3. Сурин В.А., Сабитов А.Ю., Зухриддинов С.С. Техника самотечного полива на террасированных склонах. Мелиорация и водное хозяйство г. Москва №4, 1995.ст 24...26
4. Исашов А. Собитов О //Использование новых нетрадиционных водосберегающих, а также улучшающих мелиоративное состояние земли, методы техники и технологии поливов на проектируемых орошаемых землях.
5. Isashov A. et al. SUBSOIL IRRIGATION IN CONDITIONS OF FERGANA VALLEY Key words: subsoil irrigation, porous straws, moistener, irrigation rate, water distributing pipes, surface irrigation.
6. Anvarjon I. et al. The Effect of Drip Irrigation on the Growth and Development of Cotton and Technological and Economic Performance of Cotton Fiber //Design Engineering. – 2021. – C. 6907-6915.